

Ҳотамул Асом



23:23 / 14.04.2017 6857

Имом Абу Ҳанифанинг энг кучли шогирди қози Абу Юсуф масжидда зухд ҳақида суҳбат ўтказаётган бир йигит ҳақида эшитиб, шогирдларига: “Юринглар, бориб унга савол берамиз, агар қоникарли жавоб берса, ҳузурида қолиб, уни тинглаймиз”, деди.

Масжидга киргач, ундан:

– Ҳой йигит, менга намоз ҳақида хабар бер! – деб сўради.

Ҳотамул Асом:

– Унинг одоблари ҳақида сўраяпсизми ёки кайфияти ҳақидами? – деб жавоб берди.

Қози ажабланиб, ўз-ўзига: “Ажабо, ундан битта савол сўрагандик, у уни иккита қилди-ку”, деди.

Сўнг Ҳотамга айтди:

– Одоблари ҳақида хабар бер!

Ҳотам:

– Унинг одоблари: буйруқни адо этиш, ўлчов билан юриш, ният билан кириш, таъзим ила такбир айтиш, дона-дона қироат қилиш, хушуъ билан рукуъ қилиш, хузуъ билан сажда қилиш, ихлос билан ташаҳхуд ўқиш, раҳмат ила салом бериш, – деб жавоб қилди.

Қози Абу Юсуф сўради:

– Унинг кайфияти ҳақида хабар бер!

Ҳотам жавоб берди:

– Каъбани икки қош ўртасида, тарозини икки кўз қаршисида, сиротни икки қадам остида, жаннатни ўнг тарафда, дўзахни сўл тарафда, ўлим фариштасини ортда кутиб турибди деб ўйлаш, бу намоз ундан қабул қилинадими ё рад этиладими – билмаслик.

Қози ундан сўради:

– Қанчадан буён шундай намоз ўқийсан?

Ҳотам жавоб берди:

– Йигирма йилдан буён.

Қози Абу Юсуф ҳамроҳларига юзланди ва: “Юринглар ўтган эллик йиллик намозимизнинг қазосини ўқиймиз”, деди.

Аллоҳим, бизни намозни одоблари ва кайфияти ила тўқис адо этадиганлардан қил!